

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНИШИНING ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Фирдавс Холназарович ШАРИПОВ

мустақил изланувчи

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Парламент тадқиқотлари институти
Тошкент, Ўзбекистон

ORCID: 0009-0006-5732-0293

e-mail: firdavs1983xxx@gmail.com

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ташкил этилганидан ҳозирги даврга қадар қонун ижодкорлиги фаолиятининг ривожланиши уч босқичга ажратиб таҳлил қилинган. Шунингдек, қонун ижодкорлиги амалиёти, унинг хусусиятлари, ривожланиш тенденциялари ҳамда устувор йўналишлари илмий-ҳуқуқий жиҳатдан ёритилган.

Таянч сўзлар: Олий Мажлис, Қонунчилик палатаси, қонун ижодкорлиги, парламент, Конституция.

ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ЗАКОНОТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЗАКОНОДАТЕЛЬНОЙ ПАЛАТЫ ОЛИЙ МАЖЛИСА

Фирдавс Холназарович ШАРИПОВ

независимый исследователь

Институт парламентских исследований при
Законодательной палате Олий Мажлиса Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан

ORCID: 0009-0006-5732-0293

e-mail: firdavs1983xxx@gmail.com

Аннотация

В статье анализируется развитие законотворческой деятельности с момента образования Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан до настоящего времени, разделенное на три этапа. Также с научной точки зрения освещаются законотворческая практика, ее особенности, тенденции развития и приоритетные направления.

Ключевые слова: Олий Мажлис, Законодательная палата, законотворчество, парламент, Конституция.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда миллий парламент фаолияти йўлга қўйилиб, илк сайловлар бўлиб ўтган. Дастлаб, Олий Кенгаш сўнг Ўзбекистон Республикасининг бир палатали парламенти – Олий Мажлис фаолият олиб борган.

Шундай бўлса-да, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 2002 йил 27 январда бўлиб ўтган референдум қарори [4] асосида 2005 йилда шакллантирилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қонун ижодкорлиги фаолиятининг тарихий-ҳуқуқий ривожланиш генезисини шартли равишда қуйидаги босқичларга бўлиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ:

биринчи босқич – 2005 йилдан 2016 йилга қадар бўлган давр, Ўзбекистон парламенти тизимида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ташкил топиши ва қонун ижодкорлигининг ривожланиш даври;

иккинчи босқич – 2017 йилдан 2023 йилга қадар бўлган давр, Янги Ўзбекистонда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қонун ижодкорлигининг жадал ривожланиш даври;

учинчи босқич – 2023 йилдан ҳозирги вақтгача бўлган давр, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинишидан кейинги Қонунчилик палатасидаги қонун ижодкорлиги даври.

Биринчи босқич, 2005–2016 йилларни ўз ичига олади. Ушбу даврда Олий Мажлис икки палатали парламентга айлантирилди. Мамлакатимизда парламент ислохотларининг янги даври бошланди.

Бу босқичнинг таҳлили шуни кўрсатадики, унда асосан қуйи палатада қонун ижодкорлиги фаолиятининг фундаментал ҳуқуқий асослари яратилган. Хусусан, бу даврда қонун ижодкорлиги фаолияти тубдан ўзгарган. Мазкур босқичда амалга оширилган ташкилий-ҳуқуқий ислохотлар, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қонун ижодкорлигини амалга оширишда ҳуқуқий асос ва унинг ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Ушбу даврда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қонун ижодкорлигини ривожлантириш бўйича бир қатор амалиётлар жорий қилинган. Жумладан, қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритишда тақдим этилиши керак бўлган маълумотларга халқаро ҳужжатларнинг ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг, Ўзбекистон

Республикаси қонун ҳужжатларининг тегишли қоидалари, Ўзбекистон Республикаси шароитида тегишли халқаро тажриба қўлланилишининг мақбуллиги тўғрисидаги асосли таклифлар кетма-кет тартибда кўрсатилган таҳлилий қиёсий жадвал ҳам тақдим этилиши белгиланган.

Қонун лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилаётганда ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ва мақсадга мувофиқлиги текширилиши қонунда акс эттирилган. Шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнининг ҳар бир босқичида қонун лойиҳасини кўриб чиқиш чоғида фракцияларнинг фикрлари ва таклифларини ҳисобга олиш мажбурийлиги амалиётга жорий этилган.

Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишга ва муҳокама қилиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қўмиталари ҳузурида эксперт гуруҳлари тузилиши қонун даражасида мустаҳкамланган. Социал ва ижтимоий аҳамиятга молик масалаларга дахлдор қонун лойиҳалари муҳокамаларига фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари таклиф этилиши шартлиги белгиланган.

Олий Мажлис Сенати томонидан рад этилган қонунни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқиш тартиби аниқлаштирилган.

Иккинчи босқич, 2017–2023 йилларни ўз ичига олади. Бу давр Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан бошланган кенг қўламли демократик ислохотлар билан боғлиқ. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳам сифат жиҳатидан мутлақо янги давр бошланди. Ушбу йилларда қонун ижодкорлиги тубдан ислоҳ этилиб, сезиларли даражада жадаллашганлигини кузатишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли Фармонида [7] қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифатини тубдан яхшилаш вазифаси қўйилган

бўлиб, бу Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қонун ижодкорлиги фаолиятини янада ривожлантиришни тақозо этди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 12 июлда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги «Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижроچиси бўлиши керак» деб номланган маърузаси қонун ижодкорлиги ва қонунларнинг сифати билан боғлиқ долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Қонунларни қабул қилишда жамоатчилик ва сайловчиларнинг кенг иштирокини таъминлаш, шу жумладан қонун лойиҳасини кўриб чиқишнинг барча босқичида уни жойларда аҳоли билан кенг муҳокама қилиш асосида уни такомиллаштириш амалиёти тизимли йўлга қўйилди. Қонун лойиҳаларининг муҳокамасида фуқаролик жамияти институтлари ва тегишли илмий-тадқиқот муассасалари вакиллари кенг иштирокини таъминлашнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Жумладан, биргина 2017 йилда 120 дан зиёд қонун лойиҳасининг жойларда аҳоли билан муҳокамасида келиб тушган асосли деб топилган таклифларнинг 256 таси масъул қўмиталарга киритилган.

Ушбу даврнинг ўзига хос хусусияти шундаки, Президентнинг Олий Мажлисга Мурожаатнома институти амалиётга жорий этилди. Ҳуқуқшунос олимларнинг фикрларини ривожлантириб айтиш мумкинки, аслида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 22 декабрда Ўзбекистон тарихида биринчи бор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилинган Мурожаатнома мутлақо янги даврни бошлаб берди. Президент ушбу Мурожаатномасида 2017 йилни мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичи деб эътироф этди ва олий давлат вакиллик органи олдида қонун ижодкорлиги бўйича бир қатор муҳим вазифаларни қўйди [5].

Шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясини 2018 йилда амалга оширишга оид давлат дастурида қонунчиликда янгича ёндашувни назарда тутадиган Қонунчилик ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқиш вазифасининг белгиланиши ҳамда шу асосда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ–5505-сонли Фармони ушбу соҳадаги ишлар самарадорлигини тубдан ўзгартирди. Мазкур Фармон билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қонун ижодкорлиги фаолиятининг тубдан ислоҳ этилишига ва сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишига хизмат қилди [8].

Шу билан бирга, қуйи палатанинг қонун ижодкорлиги фаолияти “қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт” деган устувор тамойилга асосланди. Хусусан, тўғридан-тўғри амал қиладиган, яъни ижро этилиши учун қонуности ҳужжати ишлаб чиқилишини талаб этмайдиган қонунларни қабул қилишга эътибор кучайтирилди. Парламентнинг тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларда тизимлаштирилиши ва унификация қилиниши лозим бўлган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди [3]. Бу қуйи палатанинг норма ижодкорлиги йўналишидаги фаолиятини янада такомиллаштириш, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларда тизимлаштирилиши ва унификация қилиниши лозим бўлган қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари асосида қайта кўриб чиқиб, мақбуллаштириш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашининг Қўшма қарори билан “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг Ягона услубиёти” тасдиқланди [3].

Яна бир муҳим янгилик – 2020 йилдан қонун лойиҳаларининг халқаро шартномаларга, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича тавсияларга мослигини ўрганиш амалиёти йўлга қўйилди. Бу эса, қўйи палатада кўриб чиқилиб, қабул қилинаётган қонун лойиҳаларининг халқаро шартномаларга, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилашга қаратилган тавсияларга мослигини таъминлаш орқали мамлакатимизнинг халқаро ҳуқуқдаги мажбуриятларининг тўлақонли бажарилишига эришиш, юртимизнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ҳамда ташқи дунёдаги имижини янада яхшилашга ёрдам бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 20 январдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи ташкилий йиғилишида қилган нутқида бевосита қўйи палата қонун ижодкорлиги самарадорлигини ошириш бўйича муҳим ғоялар илгари сурилган. Жумладан, қонун ижодкорлиги соҳасида ишни бутунлай янгича ташкил этиш, қонун ижодкорлиги фаолиятига илмий-инновацион омилни кенг жорий этиш ҳамда қўйи палата ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича ҳолис баҳс-мунозара ва тортишувлар маконига, турли ижтимоий манфаатлар ўртасидаги кураш майдонига, чинакам “демократия мактаби”га айланиши зарурлиги таъкидланган [6].

Ушбу устувор вазифалар ижроси юзасидан келиб чиқиб, қўйи палатанинг норма ижодкорлиги фаолиятига мутлақо янги институт жорий қилинди. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги ташаббускорлиги ва масъулиятини ошириш нуқтаи назаридан қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинаётганда депутатлар эмас, қоида тариқасида, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти ёки унинг масъул вакили маъруза билан чиқиши белгиланди [9]. Бу билан ташаббускор идора қонун лойиҳасининг аҳамиятини депутатлар олдида асослаб бера олмаган ҳолларда лойиҳани кўриб чиқишни рад этиш тартиби жорий этилди. Ушбу амалиётнинг ҳаётга жорий этилиши ташаббускор идораларнинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш бўйича масъулиятининг

ошишига, лойиҳалар сифатининг нисбатан яхшиланишига, муҳокамалар қизғин баҳс-мунозаралар асосида ўтишига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, масъул қўмита қонун лойиҳасининг биринчи ҳамда кейинги ўқишларда фракцияларнинг фикрлари ва таклифларини депутатларга етказиши шартлиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075-сон Фармониға асосан янги таҳрирдаги қонун ҳужжати қабул қилиш ўрнига янги қонун ҳужжати қабул қилиш ва бир вақтнинг ўзида амалдаги қонун ҳужжати ўз кучини йўқотган деб топиш амалиёти жорий этилди [10]. Масалан, «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги, «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги, «Расмий статистика тўғрисида»ги, «Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида»ги, «Судлар тўғрисида»ги қонунлар ана шу тартиб-таомил асосида қабул қилинган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг сайлов округидаги ёрдамчиси институти жорий этилди [11]. Депутат ёрдамчиси халқ вакилларининг ўз сайловчилари билан доимий алоқада бўлиб туришини таъминлаш орқали кўриб чиқиладиган қонун лойиҳаларига уларнинг таклифларини ўз депутатиға етказиш орқали қонунларнинг такомиллашувига хизмат қилмоқда.

2022 – 2026 йилларға мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси [12] қабул қилинди, унда қонун ижодкорлигини амалга оширишнинг амалдаги механизмларини самарадорлик нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш, модернизация қилиш бўйича устувор вазифалар белгиланган.

Тараққиёт стратегиясидаги вазифалардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги ишлари тубдан

такомиллашиб, қонун лойиҳаларини қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг демократик тартиб-қоидалари жорий этилди.

Сиёсий хилма-хиллик, кўппартиявийлик, масалаларни эркин муҳокама қилиш ва жамоа бўлиб ҳал этиш тамойилларига асосан ҳар бир қонун лойиҳасини сиёсий партиялар фракцияларининг йиғилишларида кўриб чиқилмасдан туриб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритмаслик принципи қатъий қоида сифатида ўрнатилди.

Тараққиёт стратегиясида белгиланган халқпарвар давлатни барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, кадр-қимматини янада самарали таъминлаш каби мақсадлар мамлакатимиздаги туб ислохотларга мос янги конституциявий-ҳуқуқий маконни яратиш заруратини юзага келтирди.

Шу маънода, Бош қомусимизга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Конституциявий қонун лойиҳаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида депутатлар томонидан қўйи палатага киритилди. Ушбу қонун лойиҳасини референдумга тайёрлаш асносида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қонун ижодкорлиги бўйича катта амалий тажриба тўплади. 2023 йил 30 апрелда бўлиб ўтган референдумда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси [1] қабул қилинди.

Учинчи босқич, 2023 йил 1 майдан бошлаб ҳозиргача бўлган даврни ўз ичига олади. Қайд этиш керак, бу босқичда қонун ижодкорлиги фаолиятида асосий эътибор амалдаги қонунчиликни янги таҳрирдаги Конституцияга мослаштириш, аввало парламент фаолиятига доир нормаларни амалдаги қонунларда акс эттиришга қаратилди.

Шунингдек, «Ўзбекистон – 2030» стратегияси [14] амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини таъминлашга йўналтирилди. Хусусан, стратегияда белгиланган норма ижодкорлиги фаолиятининг ислохотлар билан уйғунлигини таъминлаш ва давлат ҳуқуқий сиёсатининг институционал асосларини ривожлантириш алоҳида мақсад сифатида белгиланган.

2023 йил 8 май куни мамлакатимиз Президентининг «Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–67-сонли Фармони [13] қабул қилинди. Фармонга мувофиқ «Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури» тасдиқланди.

Бу эса, ўз навбатида, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятининг асосий йўналиши бўлган қонун ижодкорлиги фаолиятини янада самарали ташкил этишга қаратилган ишларни тизимли равишда давом эттиришга хизмат қилмоқда.

Жумладан, қонун ижодкорлиги жараёнларини бугунги кун талаблари асосида йўлга қўйиш мақсадида қонунларни қабул қилишнинг янги тартиби жорий қилинди. Унга кўра, қонун Олий Мажлис Сенати томонидан 60 кун ичида кўриб чиқилиши, бу муддат ичида юқори палата бирор қарор қабул қилмаса, қуйи палата томонидан қонун имзоланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилиши, шунингдек Президент қонунни 60 кун ичида имзолаши белгиланди [15].

Қонунчиликка ташаббус кўрсатиш имкониятларини янада ошириш ҳамда ушбу жараён иштирокчилари сафини кенгайтириш мақсадида қонунчилик таклифларини илгари суриш, уни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш тартиби йўлга қўйилди.

Қонунларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш учун яхлит қонун қабул қилинди [2].

Шу билан бирга, бир қанча янги амалиётларнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Масалан, қонун лойиҳасини қуйи палатага киритишда тақдим этишга доир янги талаблар:

– халқаро шартномани ратификация қилиш бўйича қонун лойиҳасининг ва халқаро шартнома лойиҳасининг (матнининг) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқлиги ҳуқуқий экспертизаси натижаси;

- қонун лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси натижалари бўйича хулоса;
- қонун лойиҳасининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш чоғида тўлдирилган чеклист;
- қонун лойиҳаси бўйича жамоатчилик муҳокамасининг натижалари тўғрисидаги ахборот ҳам мавжуд бўлиши амалдаги қонунчиликда белгилаб қўйилди.

Эндиликда, қуйи палатанинг қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган шаффофлик ва жамоатчилик иштирокини оширишга қаратилган демократик тамойилларни миллий ва илғор хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб такомиллаштириш бўйича изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Расмий нашр. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.08.2023 й., 03/23/860/0571-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг норма ижодкорлиги ва парламент назорати йўналишидаги фаолиятини кучайтириш ҳамда самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №2419–III/KQ-523–III-сонли Қўшма қарори //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.11.2019 й., 04/19/2419-III/KQ-523-III/4075-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг “2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдуми якунлари тўғрисида”ги қарори //Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ахборотномаси. 2002. 73 бет.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017 й. //Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти. <https://president.uz/uz/lists/view/1370>

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишидаги нутқи. 20.01.2020 й. //Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти. <https://president.uz/uz/lists/view/3303>

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сонли Фармони, 07.02.2017 й. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ–5505-сонли Фармони, 08.08.2018 й. //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2018 й., 06/18/5505/1639-сон.

9. Ўзбекистон Республикасининг “Қонун ижодкорлиги ҳамда парламент назорати жараёнлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-631-сон Қонуни. //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.08.2020 й., 03/20/631/1153-сон.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6075-сон Фармони //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.09.2020 й., 06/20/6075/1330-сон.

11. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-722-сон Қонуни //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.10.2021 й., 03/21/722/0960-сон.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-67-сонли Фармони //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.05.2023 й., 06/23/67/0269-сон.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон.

15. Ўзбекистон Республикасининг “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-909-сон Қонуни //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.02.2024 й., 03/24/909/0133-сон.